



Ислom Нури

Савол:

Инсонга кўз тегиши мумкинми? Агар тегса, унинг давоси нима? Кўздан эҳтиёт бўлишнинг таваккулга зидлиги борми?

Жавоб:

Кўз тегиши ҳақидаги бизнинг фикримиз шуки, у шаръан ва ҳиссан собит ва бор нарсадир. Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта кофир бўлган кимсалар эслатма-Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзулар»** (Қалам: 51). Ибн Аббос ва бошқалар бу оят тафсирида айтишларича, унинг маъноси сизга кўз теккизишга уринишади, демакдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Кўз тегиши ҳақдир. Агар тақдирдан бирон нарса ўзиб кетса эди, албатта кўз тегиши ўзар эди. Агар сизлардан ювиниб бериш талаб қилинса, ювинингиз!»** (Муслим: №5831).

Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайфдан ривоят қилинади, унга отаси (Саҳл ибн Ҳунайф) айтиб берган экан: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафарга) чиқдилар ва Маккага қараб йўл олдилар. Жухфадаги Хаззор водийсида эканларида Саҳл ибн Ҳунайф ювинаётиб устки кийимини ечди, Омир ибн Рабаи унга қараб турган эди. Саҳл оппоқ, чиройли одам эди. Омир: «Бугунги кундагидек келинларга хос бундай терини кўрмаганман» деди. Саҳл ўша жойнинг ўзида касал бўлиб қолди ва беморлиги кучайиб кетди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга унинг беморлиги ҳақида хабар берилди ва бошини кўтара олмаяпти, дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бунга ким айбдор деб ўйлайсизлар?» деб сўрадилар. «Омир ибн

